

Катта ахмок ва кичик ахмок бирга яшашарди. Баъзи пайтларда улар турли хил тентакона ишларга араллашиб қолишарди. Чунки улар анчагина ахмок эдилар-да!

Кунлардан бир кун катта ахмок билан кичик ахмок ховлида ишлашаётиб, сайр килиб юрган сув тошбакасига кўзлари тушиб қолишди.

- Буни кара, кандай ёкимтой жонзот экан-а! – деди кичкина ахмок хайратланиб. – Нима ўзи бу?

- Билмайман, - деди катта ахмок.

- Кел, биз уни арзанда килиб асраб оламиз, - деди кичик ахмок.

- Биз илгари ҳеч кандай жонзот асраб олмаганмиз-ку, - деди катта ахмок, - буни уддалай олармиканмиз?

- Биз унга кандай гамхўрлик қилишни китобдан ўқиймиз, ўрганамиз, - дея билагонлик қилди кичик ахмок.

- Шундай килиб, икки ахмок тошбакани ушлашиб, кутубхонага ёъл олишди.

- Хонаки хайвонларни парвариш қилишга оид бирор бир китобингиз борми, - деб сўради катта ахмок кутубхона ходимидан.

Кутубхоначи ахмокларга уй хайвонлари тўгрисидаги китоблар жойлашган жавонни кўрсатди. Катта ахмок китоблардан бирни олиб кўз югуртирди. “Итлар – бизнинг дўстимиз “ деб номланарди бу китоб.

- “Итларнинг тўртта оёғи бўлади”, - дея китобни ўқий бошлади, - катта ахмок.

- Бир, икки, уч, тўрт, - дея санади кичик ахмок. Бизнинг арзандамизинг ҳам тўртта оёғи бор экан. Демак, у - ит!

- “Итларнинг ўз думларини силкитишлари уларнинг бахтиёрлигини ифодалайди”, – деб ўқиди катта ахмок яна.

- Бизнинг итимизнинг ҳам думи бор , бироқ у ҳозир думини ликиллатмаяпти. У хафа бўлса керак, - деди кичик ахмок.

Катта ахмок ўқишда давом этди:

- “Итларда кемириш учун иликли суяк, тақиш учун бўйинбоғ бўлиши керак”.

- Итимизнинг бунчалар гамгин эканлигининг боисини топдим, - дея қичқириб юборди кичик ахмок, ахир бизнинг итимизда бу нарсалар ёък-да! Шундай экан, у канакасига хурсанд бўлсин!

- Кел, бу нарсаларни унга биз топиб берамиз, деди катта ахмок кичигига.

- Бўпти, кетдик, - рози бўлди кичик ахмок.

- Бироқ ён атрофда “итлари”нинг думини ликиллатиши учун хурсанд қилувчи на бир суяк ва на бир бўйинбоғ бор эди. Ахмоклар ташвиш тортиб қолишди, чунки уларнинг арзандалари хурсанд эмас эди-да! Улар нима қилишларини билмай ховлида тимирскиланиб юришарди.

Улар ховлидаги ховузча ёнидан ўтишаётганда тўсатдан “ит”лари қўлларидан сапчиб, ховузчага тушиб кетиб қолди. Тошбака сувда сузиб борар экан, сувда унинг ёйилган думи ва оёқлари яққол кўзга ташланар эди.

- Кара, унинг думига кара! – дея қичқирибди катта ахмок. Демак, у сувда сузганида ҳам хурсанд бўлар экан-да!

- У сув ити бўлса керак, - деди кичик ахмок, - шунинг учун сувга тушганидан хурсанд.

Шундай килиб, икки ахмок “ит”ларини кунора чўмилтиришадиган бўлишди. Хаво илик кунлари ховлидаги ховузчада, совук ва ёмғирли кунларда эса уй ичида – уй ҳаммомида

чЎмилтиришарди.

- Кара, биз бу хусусда кЎп ишни Ўрганиб , уддалай олдик-а? – деб колди бир куни катта ахмоқ кичик ахмоққа гурурланганча.

- Албатта. Китоблар бизга ҳамма ишни ҳам Ўргатавермас экан. Хаётда кЎп нарсани Ўзимиз топишимиз керак экан, - дея Ўз тажрибасидан ифтихор туйгусини туйиб, бошини викор-ла кЎтариб жавоб берди, - кичик ахмоқ.

Икки ахмоқ огир тин олишди...

Инглиз тилидан Дилмурод Усмонов таржима килди